

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**«БАНК ИШИ» ва «БАНК ҲИСОБИ» ва
АУДИТ» КАФЕДРАЛАРИ**

**“БАНКЛАРГА МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРНИ
ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН
ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ”**

**республика миқёсида ўтказилган илмий-
амалий конференция материаллари тўплами**

2020 йил 06 июнь

ТОШКЕНТ – 2020

- финансовую отчетность предприятия за ретроспективный и текущий периоды;
- сведения об основной деятельности (структура доходов и расходов);
- сведения о прочих видах деятельности (структура доходов и расходов);
- сведения о выплате дивидендов за ретроспективный и текущий периоды.

Предоставляемая исходная информация должна быть заверена печатью (при наличии печати) и подписью руководства предприятия и в этом случае считается достоверной. В зависимости от цели оценки и особенностей объекта оценки, оценщик может расширить перечень исходной информации или запросить необходимую информацию в процессе проведения оценки.¹

Таким образом, при оценке бизнеса для того, чтобы собрать как можно более полную информацию о компании и отрасли очень важно провести подробный опрос владельцев, ключевого персонала, клиентов, кредиторов, банкиров, поставщиков, поскольку многие факты могут быть получены только от них.

ЎЗБЕКИСТОНДА БАНКЛАРНИНГ РАҶАМЛИ ВА ЧАКАНА ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ ОШИРИШ

Азларвова А.А. - ТДИУ и.ф.н., доц.

Ҳозирда банк хизматлари бозорида кучайиб бораётган рақобат, молиявий тизимни либераллаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек мамлакат банк тизимининг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётгандиги банклар фаолияти учун асосий туртки бўлиб хизмат қилмоқда.

Замонавий технологиялар муентазам такомиллашиб боргани сайин, табиийки, соҳанинг қонунчилик асослари ҳам мустаҳкамланиб бораверади. Янги таҳрирда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”² ги қонуннинг 9-боби айни шу масалаларни қамраб олган. Ушбу Қонунда Марказий банк томонидан банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳукуқларини ҳимоя қилишга доир амалдаги норматив ҳужжатларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида” ги Қонуни³, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁴ ги Фармони⁴ ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат экани билан ғоят аҳамиятлиdir.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”⁴ ги

¹ <https://lex.uz/docs/1531623>

² Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонуни 05.11.2019 г., №ЗРУ-580;

³ Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида” ги №ЎРК-578 Қонуни 01.11.2019 й.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. 2018 йил 19 феврал.

Қарори¹ асосида, мижозларга таклиф этилаётган хизматлар сифати ва қўлами ортиб, банк-молия тизимининг барқарор ривожланишига хизмат қилмоқда.

Ҳозирда, тижорат банклари томонидан дастур яратувчилар билан биргаликда жорий этилган мобил илова дастурлари орқали мижозларга реал вақт режимида қуидаги банк операцияларини бажариш имконини берувчи масофавий банк хизматлари амалга оширилмоқда.



1-расм **Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчилар сони (турлари бўйича) 2019 йил 1 январь холатига².**

Республика бўйича 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига банк ҳисобваракларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар жами сони 10 153 458 та бўлиб, шундан юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сони 691 008 тани ташкил этган бўлса, жисмоний шахслар сони эса 9 462 450 тани ташкил этган. (1-расм).

Республикамизда банк тизимини ислоҳ қилиш мақсадида, банк-молия тизимини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси³ илғор ҳалқаро тажрибадан келиб чиқсан ҳолда ва Жаҳон банки эксперталари билан биргаликда ишлаб чиқилди.

Мазкур ҳужжатда банк кенгашлари таркибига малакали мутахассислар ва хорижий эксперталарни жалб қилган ҳолда корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш, давлат улушига эга банкларни ҳалқаро молия институтларини жалб қилиш орқали хусусийлаштириш, банк фаолиятини автоматлаштириш ва самарали банк инфратузилмасини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шу билан бирга, банк соҳасида ислоҳотларни жадаллаштириш бўйича 2020 йилда амалга ошириладиган ишлар “Йўл ҳарита”си ишлаб чиқилди, ва унда банклар фаолиятини ислоҳ қилиш ва хизматлар оммабоплигини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2018 йил 23 март.

² <http://cbu.uz/uzc/platyezhnye-sistemy/56618/>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясини «килм, мърифат ва ракамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида” Фармони. ПФ-5953-сон. 02.03.2020

ошириш борасида:

- ✓ банкларнинг корпоратив бошқарув тизимиға қўйиладиган минимал талабларни Базель қўмитасининг тамойиллари асосида такомиллаштириш;
- ✓ банкларнинг хизмат қўрсатиш сифатини ошириш мақсадида банк хизматлари сифатига мижозлар томонидан баҳо бериш тизимини жорий этиш;
- ✓ Жаҳон банки билан ҳамкорликда “Молиявий оммабоплик миллий стратегияси”ни ишлаб чиқиш;
- ✓ аҳолининг молиявий саводхонлиги ҳамда молиявий хизматларнинг оммабоплик даражасини тадқиқот ва сўровлар ўтказиш асосида баҳолаш ҳамда мазкур йўналиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;
- ✓ банклар томонидан қўрсатилаётган хизматлар турлари ва шартларининг шаффофлигини таъминлаш;
- ✓ банк хизматларини аҳолининг кенг қатламларига етказиш мақсадида ихчам ва барча базавий банк хизматларини қўрсатувчи банк хизматлари офислари тармоғини кенгайтириш;
- ✓ “Нобанк кредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини Жаҳон банкининг таклифлари асосида микромолиялашнинг янги турлари ва иштирокчиларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш.

Хулоса қилиб айтганда, банк хизматлари бозорида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади – мижозларнинг тижорат банклариға ишончини оширишга қаратилган.

БАНКЛАРНИНГ РАҚАМЛИ ВА ЧАКАНА ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ

*Сайдов Д.А. - ТМИ и.ф.н., доц.
Эгамова М.Э. - ТМИ PhD
Йўлдошева М. – ТМИ магистранти*

Мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 23-мартдаги ПҚ-3620-сонли “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида ҳам бунга урғу бериб ўтилди. Ушбу қарорда бугунги кунда банк тизимида мавжуд муаммо сифатида чакана банк хизматлари бозорининг паст даражада ривожланганлиги ва мижозлар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишининг замонавий ёндашувлари мавжуд эмаслиги таъкидланган. Шунингдек банк фаолиятининг илғор ҳалқаро тажрибасини ўрганиш ҳамда банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш вазифаси келтирилган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида банкларда «Чакана банк хизматлари маркази» ташкил этилди. Бу орқали «фронт офис» ва «бэк офис» хизмат турлари жорий этилиб, мижозларга замонавий банк хизматлари қўрсатилмоқда. Бундан ташқари, барча банкларда «Reception » фаолияти йўлга қўйилиб, мижозларга банк хизмати бўйича дастлабки маълумотлар берадиган маслаҳатчи лавозими

Riskaliev Muradjon., Ahmedova Dilafruz.	BANKLARNING RAQAMLI XIZMATLARI SIFATINI OSHIRISH.....	296
Жумаев. А.М.	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУРИЗМ СОҲАСИГА ИННОВАЦИЯЛарНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	298
Соибов. Ж., Абдуллаев. У.А.	АҲОЛИНИНГ МАМЛАКАТ БАНК ТИЗИМИГА БЎЛГАН ИШОНЧИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ТУТГАН ЎРНИ.....	301
Сафаров. F.A.	КОРОНОВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ТАБИЙ РЕСУРС ВА МОЛ-МУЛҚЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	305
САФАРОВА. Н.А.	ЎЗБЕКИСТОНДА ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛИКНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ: АМАЛИЁТ ВА МУАММОЛАР.....	308
Куллиев И.Я.	СТРЕСС ТЕСТЛАШ – ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА БАНК РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ СИФАТИДА.....	311
Ахмедов Х.М.	ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЧАКАНА КРЕДИТ ПОРТФЕЛИДАКРЕДИТРИСКЛАРНИ БАҲОЛАШ МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	314
Rozmatova Umida Yuldashevna.	NOMODDIY AKTIVLAR HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH YO'NALISHLARI.....	317
Raxmatov A.J.	TIJORAT BANKLARIDA LIKVIDLILIK RISKI VA UNI BOSHQARISH.....	320
Maqsudov B.A.	CREDIT RISK AND CREDIT ANALYSIS IN THE EFFECTIVE PLACEMENT OF FINANCIAL RESOURCES IN COMMERCIAL BANKS.....	323

5-СЕКЦИЯ. БАНКЛАРНИНГ РАҶАМЛИ ВА ЧАКАНА ХИЗМАТЛАРИ ТУРЛАРИНИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ

Хомитов К.З., Алимова Ф.М.	СБОР И АНАЛИЗ ИНФОРМАЦИИ – ВАЖНЫЙ АСПЕКТ В СФЕРЕ ОЦЕНКИ БИЗНЕСА.....	328
Азларвова А.А.	ЎЗБЕКИСТОНДА БАНКЛАРНИНГ РАҶАМЛИ ВА ЧАКАНА ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ ОШИРИШ.....	330
Сайдов д.А., Эгамова М.Э., Йўлдошева М.	БАНКЛАРНИНГ РАҶАМЛИ ВА ЧАКАНА ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ	332